



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖОКАТЛАРИ**

Фурқат тумани-2022

## Танлов хужжатларнинг мазмуни:

- I. Танлов иштрокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмет : Фарғона вилояти Фурқат туман тиббиёт бирлашмаси худудидаги карашли биноларини жорий тамирлаш
- 1.2. Танловнинг юкори қиймати - 217 000 000 сум НДС сиз. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник тоширик танлов хужжатларининг техник қисмida илова килинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чикқан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати : Голиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлабиши графиги буйимча.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Фурқат туман тиббиёт бирлашмаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Фарғона вилояти Фурқат тумани
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Фурқат туман тиббиёт бирлашмаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгилаиган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидаи катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтиослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлған ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:  
танлов предмет кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;  
танлов объектига ўхшашиб объектиларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;  
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);  
Низом маблағи микдори.  
Молиявий натижалар  
Ишчи ходимларнинг иш стажи ва маҳсус лицензияга эга эканлиги

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштрок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУЙ ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйилагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов интирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдиришлари ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор маҳсус ахборот порталаида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул килиш бўйича мажбурдир.

6.3. Тайлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштрок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Тайлөв иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харнд комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон кнлинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади